ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

М.Мамажонов

В статье рассматривается связь демографических процессов и проблем социальной защиты населения, доказана необходимость проведения мер по социальной защиты с учетом демографической ситуации конкретного региона.

In this article is considered the communication of demographic processes and problems of social protection of the population, the necessity of realization of measures on social protection is proved in a view demographic situation of concrete region.

Давлатнинг асосий функцияларидан бири ижтимоий ҳимоядир. У иқтисодий ривожланиш самарасига ва натижаларига боғлиқ бўлиб, аҳоли даромадларини маълум даражадан пастга тушириб юбормаслик учун амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадларга йўналган, у кўпроқ жамиятнинг нисбатан заиф ва кам таъминланган (ижтимоий муҳофазага муҳтож) қатлам ва ҳудудларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилади. Бироқ ижтимоий муҳофазанинг энг муҳим хусусияти шундаки, у, бир томондан, аҳолининг барча қатламларини қамраб олади, иккинчи томондан, бу муҳофаза аҳоли ёшига қараб табақалашган бўлади.

Ўтиш даврида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шакли бир оз ўзгарди, яъни ижтимоий ҳимояни молиялаштириш маҳаллий бюджетларга юклатилган. Шу ўринда давлат томонидан кўрсатилаётган бепул кафолатлар миқдори ва салмоғи камайиб бораётганини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Манбаларда ижтимоий муҳофаза сиёсати фаол ва нофаол турларга ажратилади. Нофаол ижтимоий муҳофаза ички бозорда нарх-наво ўсишини сунъий тарзда тўхтатиш ва дотациялар беришни кўпайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини барқарорлаштириш ва мўътадиллаштириш, давлатнинг минтақавий сиёсати доирасида эса вилоят ёки бошқа ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Фаол ижтимоий муҳофаза эса ишбилармонлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, нафақахўрлар, болалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, заиф ҳимояланган аҳоли қатламларини ҳимоя қилишда давлат ролининг янада ортишидир.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда жамиятда умумий моддий бойликларни тўғри (адолатли) тақсимлаш, кам таъминланган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бу борада жаҳон амалиётида синалган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш механизми қуйидаги таркибдан иборат:

1. Ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш
2. Меҳнатга қобилиятсиз фуқароларни ҳимоялаш
3. Кам таъминланганларни ҳимоя қилиш.

Ишловчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ўз навбатида, қуйидаги фаолият йўналишларини ўз ичига олади:

- ишга қабул қилинаётганда ва бўшаётганда;
- иш жарёнида;
- меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йўқотганда.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати асосини ишламайдиган аҳоли аҳволи ва эҳтиёжларининг ҳисобга олиниши ташкил этади. Шу сабабли меҳнатга қобилиятсиз фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш мазкур механизмнинг муҳим таркиби ҳисобланади. Унга қуйидаги 3 тоифага мансуб муҳтож аҳоли киритилади:

- 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, айрим ҳолларда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган аҳоли;
- меҳнат қилиш қобилиятидан ўтган катта ёшдаги аҳоли;
- аҳолининг алоҳида қатламлари.

Юқорида зикр этилган гуруҳларнинг ижтимоий муҳофазаси қуйидаги шароитлар асосида амалга оширилади:

– болалар ва ўсмирларнинг ривожланишига бир хил шароитлар яратиш;

– касбий таълим олиш учун касб-ҳунар, олий ва ўрта махсус таълими тизими хизматларидан барча аҳолининг тенг ҳуқуқда фойдаланишини йўлга қўйиш, талабаларга стипендиялар тўлаш, уларни турли даражадаги имтиёзлар билан таъминлаш;

– меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган фуқароларни давлат нафақа таъминоти билан таъминлаш.

Кам таъминланганлар – кўп болали, кам таъминланган оилалар, етим болалар, ёлғиз ҳолда яшовчи кексалар, аҳолининг қийин ҳаёт тарзига тушиб қолган қатлами ва мигрантлардан иборат. Буларнинг географик жиҳати эса минтақалардаги демографик, экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг турли-туманлигида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бир қатор вазирлик ва идоралар томонидан тартибга солиб турилади ва амалга оширилади. Уларга Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларини киритиш мумкин.

Одатда, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кишиларнинг социал тенглик тушунчаси билан алоқадордир. У пул, маълумот ва ҳокимият имтиёзларининг нотекис тақсимланиши натижасида келиб чиқади. Унинг ўлчов бирлиги пул ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдаги тенгсизликнинг икки қутби мавжуд бўлиб, унинг бир томонида кам таъминлананлар, иккинчи томонида яхши таъминланганлар туради.

Ўтиш даврида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги 308-сонли қарори аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, у болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштиришни назарда тутади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар аҳолининг кўпайиши, географик жойланиши, унинг яшаш шароити ва турмуш тарзида ҳам катта ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Республика аҳолисининг сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитига ўтиши билан боғлиқ ҳолда аҳолининг турмуш тарзида, меҳнат қилиш, билим олиш, даволаниш, дам олиш каби ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ишларнинг бироз бўлса-да қийинлашувига олиб келмоқда. Айниқса, кўпайиб бораётган аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, унинг кийим-бош, турар жойга бўлган талабини қондириш, қишлоқ аҳоли жойларида янги иш ўринларини ташкил этиш, ишчиларнинг иш қобилиятларини қайта тиклаш учун зарур бўлган санатория-курорт, дам олиш жойлари, даволаниш масканларини қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш, асбоб-ускуна, дори-дармон билан таъминлаш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий қилиш каби кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммолар юзага келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов реал демографик вазият ва бошқа шароитларни ҳисобга олиб, иқтисодиётни янгилашга қаратилган бешта муҳим тамойилнинг тўртинчисида аҳолини ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътиборни қаратган. “...Тўртинчидан, демография соҳасидаги мавжуд аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган холда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин”[1;11].

Чиндан ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар даврини ўз бошидан кечираётган ҳар қандай давлатда мамлакат хўжалик тизимини қайтадан бунёд этиш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондириш муҳим вазифа ҳисобланади. Аҳолининг яшаш тарзида ижтимоий-иқтисодий манбаларнинг бузилиши, кам таъминланганлик, тиббиёт соҳасидаги етишмовчиликлар минтақаларда геоэкологик вазиятнинг ночорлиги, айрим касаллик турларининг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши муносабати билан юзага келган ишсизлик муаммосининг кескинлашуви каби ҳолатлар бозор муносабатларига ўтиш даврида кузатилади. Бу ҳолат демографик жараёнларда ҳам ўзгаришларга олиб келади. Жумладан, туғилиш кўрсаткичларидаги ўзгаришлар табиий ўсишни кескин пасайтирди. Айнан шу масала И.А.Каримовнинг қуйида келтирилган фикрларида ўз ифодасини топган: “Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори; кейинги йилларда

аҳолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига қарамай, у ҳали ҳам ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар орасида энг юқори даражада эканлигини айтиш кифоя”[1;11].

Аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида рўй берадиган жараёнлар жамиятнинг ривожланишига, аҳолининг ижтимоий ҳаётига, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойланишига ўз таъсирини кўрсатади, чунки аҳоли бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам унинг истеъмолчиси ҳамдир. Бинобарин, аҳоли ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида марказий ўринда туради.

И.Р.Муллажонов аҳолини шундай деб таърифлайди: “Аҳоли алоҳида индивидлардан тузилган бўлиб, у айни бир вақтда ишлаб чиқариш муносабатларига, оила аъзоларига ва бошқа ячейкаларга эга бўлган кўп қамровли йиғиндидан иборат”[4;18]. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, аҳоли жамиятнинг тараққиётида асосий яратувчилик сабабчиси ҳисобланади. Лекин иқтисодий қатламни ташкил этувчи моддий неъматларни жами аҳоли эмас, фақат унинг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қатлами яратади. Шу боис аҳоли билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ўрганишда нафақат меҳнатга лаёқатли аҳолининг, балки аҳолининг бошқа гуруҳ қатламларини, улардаги фарқларни ҳам ўрганиш зарур бўлади. Аҳолининг сони, таркиби, такрор барпо бўлиши, ҳудудий тафовутлари ва жойлашуви, ишлаб чиқаришда бандлиги уни ижтимоий муҳофаза қилиш хусусиятларини белгилаб беради.

Кўпгина демограф олимлар аҳоли ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларга эътибор бериб, демографик жараёнларнинг ҳал бўлишида иқтисодиёт қанчалик муҳим бўлса, иқтисодиётнинг ривожланишида ҳам демографик жараёнлар шунчалик муҳим эканлигини таъкидлашади.

Бундай икки томонлама алоқадорлик ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида ўзига хос аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳозирги даврда аҳоли ўсиши ва жойлашувида вужудга келаётган ҳамда ечимини топиши зарур бўлган масалаларни ижтимоий географик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда, ҳар бир регионнинг табиий, иқтисодий ва демографик хусусиятларини инобатга олиб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳоли сонининг ўсишида маориф, тиббиёт, маданий-маиший, савдо-сотиқ соҳаларининг ривожланиши, уй-жой билан таъминланиш ва бошқалар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш талаб қилинади. Бироқ айни мана шу соҳалардаги бугунги кунда вужудга келган иқтисодий номутоносибликлар, ўз ечимини топиши зарур бўлган муаммолар мамлакат аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишда баъзи қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатлар, хусусан, мамлакатнинг қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида яшовчи кўп болали ҳамда моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган оилаларда кузатилмоқда.

Аҳоли сонининг ўсиши, ривожланиши ва жойлашувидаги ўзгаришлар аҳолининг табиий кўпайиши, ҳудудий қайта тақсимланиши натижасида рўй беради. Бу жараёнлар эса мамлакатнинг турли минтақаларида бир хил кечмайди ва ўзига хос ҳудудий хусусиятларга эга бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, мулкчиликнинг янги шаклларининг вужудга келиши демографик вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Аҳолишунос М.К.Қорахонов: “Иқтисодиётнинг ўта қолоқлигида аҳолининг ўта кўпайиб кетиши ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини қийинлаштиради, аммо бир вақтнинг ўзида барча муаммо ва ташвишларнинг сабаби аҳолининг тез ўсиб кетишида эмас”,- деб ёзган эди.[5;36]

Аҳоли сонининг ўсиши ва жойлашишидаги муаммолар мамлакатнинг демографик ва минтақавий сиёсатини амалга ошириш натижасида аста секин ҳал этиб борилади. Матбуотда ва илмий адабиётларда билдирилаётган фикрларга кўра, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга, бир томондан, аҳоли сонининг кўплиги ва нисбатан тез ўсиши, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг янги кўринишларга ўтиши ва ишчи ўринларининг камайиши сабаб бўлмоқда.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар маълум бир вақт давомида ҳукм суради ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатлашуви натижасида яна яхшиланиб кетади. Бинобарин, айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қўшилиб, аҳолининг кўпайишини режали чеклаб қўйиш натижасида туғилишнинг камайишига эришадиган бўлсак, вақт ўтиши билан бу ҳам жамиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларнинг бартараф этилиши республикамизни ривожланган

давлатлар қаторига қўшиши аниқ, лекин кейинчалик мамлакатимизга хос бўлган демографик вазиятни тиклаш масаласи муаммо бўлиб қолмасмикан, деган ҳақли савол туғилади.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳам ўтиш даврида аҳолининг ўсиши билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар вужудга келган. Бундай муаммоларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, демографик жараёнларга экологик вазиятнинг бузилиши, инсон саломатлигининг ёмонлашуви каби омилларгина эмас, балки маиший муаммолар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, аҳолининг нормал кўпайиши учун, яъни маълум бир ҳудуд ёки давлат аҳолиси ўзининг мавжуд сонидан камайиб кетмаслиги, уни сақлаб туриши учун ҳар бир аёл ўртача 2-3 нафар фарзанд кўриб, камолга етказиши керак экан. Бу рақам туғилишнинг фанда тасдиқлаган мезони ҳисобланади. Агар мазкур кўрсаткич қайси бир давлатда камайса, демак, давлат аҳолисининг сони камайиб бораверади. Аксинча, 4 тадан ошса, мамлакат аҳолиси тез ўсиб боради. “Ўзбекистон учун бу кўрсаткич ҳозирда 4,1 га тенг”- деб ёзади М.Бўриева[6;19].Тўғри, бу рақам бугунги кунга келиб 3 га тушиб қолди, аммо, айрим ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда туғилишнинг ҳозирги даражасини ҳам нисбатан юқори, деб баҳолаш мумкин.

Демак, республика вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларда табиий ўсиш ҳисобига аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим. Бироқ бозор иқтисодиётига ўтиш даври билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, моддий эҳтиёжларнинг қондириш қийинлги сабабли фарзандлар сонининг қисқараётганини ҳам унутмаслик керак. Шу ўринда оиладаги тўртинчи фарзанддан кейинги туғилаётган болалар сони озчиликни ташкил қилаётганини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Республикамиз шаҳарларида оиладаги болалар сонининг кўпи билан учтадан ошмаётганлиги кузатилмоқда.

Ўтиш даври билан боғлиқ юзага келаётган муайян қийинчиликлар аҳолининг фақат миқдор кўрсаткичларигагина эмас, балки сифат кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ерда аҳолининг саломатлиги, маълумоти, иш билан таъминланганлик даражаси, уларга яратилаётган шароитлар ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ва бошқа ҳолатлар назарда тутилмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аҳоли ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларга ижтимоий-иқтисодий шароитлар катта таъсир кўрсатади. Аммо бу кўрсаткичлар кўпгина давлатларда вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Чунончи, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши деярли барча республикаларда аҳолининг ўсиши ва ривожланишида кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Масалан, Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатларда аҳолининг туғилиш даражаси пасайиши кузатилмоқда.

Аҳоли сонининг ўсиши ва ривожланишини айрим давлатлар билан солиштириб кўрилганда, Ўзбекистонда маълум қийинчиликларга қарамасдан, табиий ўсиш кўрсаткичлари ҳали ҳам юқорилигича қолаётгани аён бўлади. Масалан, Россия Федерациясида 1991 йилгача умумий аҳоли сони ўсиб келган бўлса, охирги йилларда бу мамлакатда аҳоли сонининг мутлоқ камайиб кетиши сабабли демографик вазият кескинлашиб бормоқда.

Шунингдек, 1999 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати натижалари қўшни Қозоғистонда кейинги ўн йилда юз берган демографик вазият республика учун номақбул эканлигини кўрсатди. Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 октябрда қабул қилинган 1380-сонли қарорига кўра, “Қозоғистон демографик ривожланишини йўлга қўйишнинг 2001-2005 йилларга мўлжалланган режаси”да бу мамлакатда кейинги йилларда юз берган демографик аҳвол республика фойдасига ҳал бўлмаётганлиги таъкидланган. Мазкур ҳужжатда Қозоғистон аҳолисининг сони 1993 йилга нисбатан 9,6 фоизга, яъни 1584,6 минг кишига камайиб кетганлиги қайд этилиб, республика аҳолисининг сони 14841,9 минг кишидан иборат эканлиги кўрсатилган. Шунга ўхшаш вазият қўшни Қирғизистон, Украина ва Белорус давлатларида ҳам кузатилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда республикамизда “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш”, “Оилани мустаҳкамлаш”, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Обод маҳалла йили”, “Меҳр ва мурувват йили”, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” каби тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз аҳолисининг ривожланишига ижобий таъсир этмоқда. Бундай тадбирларнинг асосий мақсади оилаларда болалар сонини чеклаш эмас, балки

соғлом авлоднинг дунёга келишини таъминлашга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган.

Аҳоли сони ўсиб борган сари уни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш масаласи билан бир қаторда ижтимоий ҳимоя қилиш, унга хизмат кўрсатиш борасида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. М.И.Назаровнинг илмий тадқиқот ишида (1996) аҳоли ривожланишининг иқтисодий ва ижтимоий-демографик муаммолари республика халқ хўжалигининг муҳим жабҳаларидан бири бўлган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг тараққиёти мисолида ёритиб берилган. Муаллиф мазкур соҳанинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси, аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳозирги давр талаб-эҳтиёжларига тўла жавоб бермайди, деб таъкидлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври барча соҳаларда бўлганидек, тиббиёт соҳасида ҳам бир қанча қийинчиликларни, муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш, уни қайта тиклаш, шифохоналарни замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, малакали мутахассислар билан таъминлаш даражаси кўнгилдагидек эмас. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши аҳолининг тиббий хизматга бўлган эхтиёжини қондира олмай, ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга, қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Аҳолининг ҳудудий тақсимланиши ва кўпайишида унинг миграцияси катта аҳамият касб этади. Айни пайтда, у бир бутун ҳудуд демографик ва ижтимоий географик вазиятининг ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, аҳолининг ўсиш суръатларидаги фарқларга ушбу ҳаракат ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мазкур жараён мамлакатимиз вилоятларида ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, Андижон вилоятининг деярли ҳамма туманлари (Улуғнор ва Бўз туманларидан ташқари) қадимдан аҳоли яшаган, деҳқончилик, боғдорчилик ва миллий ҳунармандчилик ривожланган ҳудудлар бўлганлиги сабабли бу ерларда, асосан, маҳаллий аҳоли яшаган. Улуғнор ва Бўз туманлари эса чўл зоналарини ўзлаштириш ва у ерларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида аҳолини кўчириб келтириш ҳисобига вужудга келган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда меҳнат ресурслари масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Дарҳақиқат, аҳоли такрор барпо бўлиш кўрсаткичларининг қай даражада бўлиши меҳнат ресурсларининг салоҳияти ва бандлик даражасини белгилаб беради. Мамлакатимизда меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати барча вилоятларда, ҳудудларда бир хил эмас. Ҳозирда айрим корхоналарнинг ўтиш даври билан боғлиқ ҳолда тўхтаб қолиши, қишлоқда мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши ишсизлик муаммосига янгича тус бермоқда.

Таҳлилларга кўра, аҳоли ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, ўтиш давридаги аҳоли ривожланишида ва ўсишида рўй бераётган янгиликлар демографик жараёнларга таъсир этмасдан қолмайди, улар, ўз навбатида, демографик жараёнларда ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароити фақатгина соф иқтисодий-ижтимоий муаммолар билан боғлиқ бўлмай, балки демографик жараёнларда ҳам ўз аксини топади. Уларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва асослаш эса иқтисодий ва ижтимоий география фани олдида турган муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалалардан биридир.

Мамлакат вилоятларидаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг географик жиҳатларини белгилаб беради. Шу жиҳатдан республика аҳолисининг ўсишини таҳлил қилсак, вилоятлар демографик салоҳиятининг турлича ўзгариб боришига гувоҳи бўламиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистон аҳолиси 132,0 фоизга ўсган. Аммо бу жараён барча вилоятларида бир хил бўлмаган. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳолининг ўсиш суръати анча юқори бўлган бўлса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бу кўрсаткичнинг ниҳоятда пастлигини кўрамиз.

Умуман олганда, республика вилоятларини аҳоли сонининг 1989-2004 йиллардаги ўсиш суръатига кўра 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- аҳоли сони нисбатан тез ўсиб бораётган ҳудудлар (Андижон, Жиззах, Хоразм, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари);
- аҳоли сони ўртача даражада ўсиб келаётган вилоятлар (Бухоро, Фарғона, Самарқанд);
- аҳоли сони суст ўсаётган минтақалар (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий,

Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда аҳолининг ўсиши бўйича вилоятларда ва республикада пасайиб бормоқда. Жумладан, 2003 йил якунларига кўра, бир йиллик кўпайиш атиги 1,1 фоизни ёки 273,4 минг кишини ташкил этади, холос.

Кўрилаётган йилда мамлакатда 509,4 минг киши туғилиб, 136,5 минг киши вафот этган, табиий кўпайиш 372,9 минг кишига тенг бўлган. Табиий кўпайишнинг аҳоли сонининг реал кўпайишидан ортиқ қисми (яъни 99,5 минг киши) ташқи миграциянинг нисбий қолдиғига тўғри келади.

Туғилганлар сони бир йилнинг ўзида 23,1 минг кишига, ёки 4,3 фоизга камайган. Ҳар минг кишига ҳисоблаганда, у 21,0 промилледан 19,8 промиллега тушиб қолган. Туғилиш коэффициентининг пасайиши, айниқса, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида сезиларли бўлган. Ҳозирги вақтда туғилишнинг энг юқори даражаси Қашқадарё вилоятида, унинг энг паст кўрсаткичи эса Тошкент шаҳрида кузатилмоқда. Уларда туғилиш коэффициенти 23,5 ва 14,4 %-ни ташкил этган.

Шундай қилиб, Республика вилоятларида аҳоли сонидаги ўзгаришлар улардаги демографик таркиб ва вазият, оила кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бинобарин, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳам мамлакат ҳудудларида юзага келган демографик ҳолатдан келиб чиққан тарзда ҳал қилиниши ва ушбу минтақавий хусусиятлар давлатнинг таъсирчан ижтимоий сиёсатида эътиборга олиниши керак.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон. 1995

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар. — Т.: Ўзбекистон. 1994.- Б.7-10

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар.-Т.: Ўзбекистон. 1994

4. Муллажонов И.Р. Демоктарифическое развитие Узбекиской ССР-Т.: Узбекистон, 1993

5. Карохонов М.К. Некопиталический путь развития и проблемы народонаселение-Т.: Фан, 1983

6. Бўриева М. Р. Оилада нечта фарзанд бўлсани маъқул. -Т.: Адолат, 1998

7. Абдуллаев О. Фарғона водийси.-Наманган, 2000

8. Асанов Г.Р. Аҳоли географияси.- Т.: Ўқитувчи. 1978

9. Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и управления процессом урбанизации.- Т.: Фан. 1979

10. Ата-Мирзаев О.Б. Каюмов А, Народонаселение Узбекистана: демографическая ситуация политика, экология. // Экономика и статистика.- 1996.- №5.- С.48-52

11. Ата-Мирзаев О.Б., Қаюмов А. Оилани режалаштириш нима? – Т, 1990

12. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.- Т.: Университет, 1997

13. Солиев А.С., Аҳмедов Э.А., Маҳаммадалиев Р.Й., Назаров М., Қаршибоева Л.К. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Ўқув қўлланма.- Т., 1999

14.Ўзбекистон Республикасининг қишлоқлар инфраструктураси ривожланиши давлат дастури.- Т.: Ўзистиқболстат, 1996

Андижон давлат университети,
2009 йил 28 майда қабул қилинган.
(Тақризчи: доц. А.Ҳатамов)